

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

45-сон  
(1013)  
2021 йил  
ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### *Иккинчи бўлим*

678. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 ноябрдаги ПФ-3-сон Фармони
679. «Пахта хом ашёсини етиштириш ва унинг ўйфим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 ноябрдаги ПҚ-2-сон қарори
680. ««Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 ноябрдаги ПҚ-3-сон қарори
681. «Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-6-сон қарори

682. «Чирчик шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-7-сон қарори
683. «Германия тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 ноябрдаги ПҚ-9-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

684. «Оролбўйи миңтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 12 ноябрдаги 677-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

685. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 38-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 71-сон «Муҳтоҷ шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартериш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-2*)
686. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 30-тнг-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2597-1*)
687. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 29-тнг-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 октябрдаги 28-сон «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2872-1*)
688. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 ок-

тябрадаги 145-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 2921-4*)

689. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрадаги 149-МХ-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўtkазилди, рўйхат рақами 3108-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

### **678 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6168-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хукукий хужжатларни бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А. Абдуваҳитов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 9 ноябрь,  
ПФ-3-сон

---

\* Ушбу Фармон «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 9 ноябрдаги  
ПФ-3-сон Фармонига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 11 ноябрдаги «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1880-сон Фармони 1-банди еттинчи хатбоисидан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш,» сўзлари чиқарилган ташлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4232-сон Фармони 1-бандида:

«а» кичик банддаги «касб-хунар колледжлари, академик лицейлари» сўзлари «академик лицейлари, профессионал» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банддаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5052-сон Фармонида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбоисидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг учинчи хатбоисидаги «касб-хунар коллежи» сўзлари «профессионал таълим муассасаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«б. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг:

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб академик лицейлар, профессионал ва олий таълим муассасаларининг биринчи марта ишга жойлашган битирувчилари иш ҳақидан олинган даромадларидан ягона ижтимоий тўловнинг ўрнатилган ставкасини, таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтмаганлик шарти билан, уларни ишга жойлашганликларидан кейинги бир йил ичida 50 фоизга, иккинчи ва учинчи йил давомида 25 фоизга, бюджет ташкилотлари, монополист ташкилотлар, устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган таш-

килотларга ишга жойлашганлар бундан мустасно бўлган ҳолда, камайтириш»;

тўртинчи хатбошидаги «касб-хунар коллежлари,» сўзлари «професионал таълим муассасалари ва» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими муассасаларининг» сўзлари «профессионал таълим муассасаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон Фармони 11-бандида:

биринчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўзлари «профессионал таълим» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «касб-хунар колледжларининг» сўзлари «профессионал таълим муассасаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўtkазиш орқали ваколатли органинг хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхати қўйидаги мазмундаги 36-позиция билан тўлдирилсин:

«

36.	Нодавлат таълим ташкитларида, ишончли аҳборотлар мавжуд бўлганда, тегишли лицензия ва тасдиқномасиз, шунингдек лицензия ва тасдиқномада назарда тутилмаган йўналишларда таълим бериш ҳолатларини текшириш.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси	10 кундан ошмаган ҳолда
-----	--	--	-------------------------------

».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон Фармони 2-банди иккинчи хатбошидаги «давлат талаблари» сўзлари «давлат таълим талаблари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг З-боби 3-параграфи йигирма бешинчи хатбошидаги «ўқув юртидан» сўзлари «таълимдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон Фармони билан тасдиқланган Инфляция даражасини пасайтириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича комиссия таркибининг ўн олтинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лавозимига кўра — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандoshлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5975-сон Фармони 13-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси 2020 — 2022 ўкув йиллари учун хорижда таълим олувчи номзодлар рўйхатини шакллантиришда «иқтисодий ривожланиш» ва «макроиқтисодий сиёsat» йўналишларида замонавий билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадларида вазирлик билан биргаликда ёш мутахассис ва олий таълим муассасаларининг бити-рувчиларини хорижга таълим олиш ва малака оширишга жўнатиш учун амалий чоралар кўрсин».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдағи «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон Фармонида:

а) 2-илованинг 19-позицияси «Амалга ошириш механизми» устуни 3-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига иқтидорли ёш олимларни етакчи хорижий илмий марказларда ўқитиш ва малака оширишига кўмаклашиш, уларнинг халқаро илмий-техник конференцияларда ва илмий лойиҳаларда иштирок этишларини, илмий ишларининг нашр этилишини таъминлаш»;

б) 3-и洛ва изоҳининг бешинчи хатбоисида:

«Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-куватлаш жамғармаси» сўзлари «Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси,» сўзлари чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдағи «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6168-сон Фармонида:

а) 6-банднинг саккизинчи хатбоиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«стипендиат узрсиз сабабга кўра таълим дастурларидан четлаштирилган тақдирда ёки Жамғарма таълим дастурлари тугалланганидан сўнг меҳнат фаолиятини вазирликлар, идоралар ёки бошқа давлат ташкилотларида давом эттиришдан бош тортган ҳолларда, Жамғарма томонидан стипендиатнинг таълим олиши учун сарфланган барча молиявий харажатлар у билан имзоланган шартнома шартларига мувофиқ унинг молиявий кафиллари (юридик ва жисмоний шахслар) ва унинг ўзи томонидан солидар тартибда қопланади»;

б) 2-илованинг 9-банди қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«таълим дастурлари ва номзодларни саралаш танловини ўтказиш йўналишлари бўйича истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни ҳисобга олган холда таълим соҳалари кесимида стипендиялар квоталарини

ажратади, шунингдек, танловда ракобат даражасини эътиборга олган ҳолда, квоталарга ўзгартиришлар киритади»;

тўртинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 4-иловада:

4-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Шу билан бирга, қоидага кўра, ўз назарий билим ва /ёки амалий тажрибалари натижасида хорижда таълим олиш учун хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса томонидан номзодга таклиф этилган грант (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз)лар миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги танлов жараёнида устунлик берувчи ҳолат сифатида эътиборга олиниади»;

7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Жамғарма стипендиялари белгиланган тартибда Жамғарма Васийлик кенгashi томонидан ҳар йили тасдиқланадиган таълим дастурларига мувофиқ етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда қўйидаги дастурлар бўйича таълим олиш учун ажратилади:

докторантурда (аспирантура) — 3-4 йилга қадар;

магистратура — 1-2 йилга қадар;

бакалавриат — 3-4 йилга қадар.

Айрим ривожланган давлатлар таълим муассасаларида бир йилгача бакалавриатга тайёрлов курслари (Foundation year/course) харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилиши мумкин. Бунда, тайёрлов курси ва бакалавриатда ўқишнинг умумий муддати 4 йилдан ошмаслиги лозим.

Докторантурда (шу жумладан аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражасини олиш учун), магистратура ёки бакалавриатда таълим олиш тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим, илмий ёки бошқа муассасалари томонидан қабул қилинган стандартлар, талаблар ва ўқув режаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияси ва Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ республика учун алоҳида аҳамиятга эга тиббий мутахассисликлар бўйича икки йилгача клиник ординатуруни ўташ учун стипендиялар ажратилиши мумкин. Бунда клиник ординатурага магистратура дастури бўйича ўқишнинг ўзига хос шакли сифатида қаралади.

Жамғарма буюртмачи ташкилотнинг асосланган таклифига мувофиқ, истисно тариқасида, хорижий олий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг мурожаатлари асосида докторантурда ва магистратурада таълим олиш муддатини, қўшимча молиялаштириш ҳуқуқисиз, бир семестргача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга»;

10-банднинг «г» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини (ўтган йиллар давомида истеъмол нархлари индексининг ўртача йиллик даражасига тенг жарима билан) қоплаш тўғрисида манбаатдор вазирлик, идора, корхона ва

ташкilotлар — юридик шахслар ва жисмоний шахслар (устувор равишида Стипендиатнинг ота-онаси, ака-укаси ёки опа-синглиси, улар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда кафил бўла олмаган тақдирда уларга тенглаштирилган бошқа шахслар) томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки сувурта ташкilotининг сувурта полиси (тандов ғолиблари учун).

Бунда, номзод тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексига тўлиқ киритилиши таъминланиши шарт»;

16-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-босқичда номзодлар билан хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқарashi, миллий ва умуминсоний қадриятларни, шунингдек, давлат тилини билиш даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида сухбат ўтказилиши кўзда тутилади»;

19-банднинг биринчи хатбошисидаги «мамлакатлар, таълим, илмий ва бошқа муассасаларни» сўzlари «мамлакатларни» сўзи билан алмаштирилсин;

28-банд қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Стипендиатнинг ўз хоҳишига кўра хорижда таълим олиш харажатларини молиялаштиришда унинг ўзи ёки молиявий кафиллари қисман иштирок этган тақдирда Стипендиатнинг мажбурий ишлаб бериш муддатига ўзгартириш киритилмайди»;

30-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Стипендиат узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилган ёки Жамғарма таълим дастурлари тугагандан сўнг у билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкilotлари ёхуд давлат улуши мавжуд бўлган ташкilotларда меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош торган тақдирда, Жамғарма томонидан уни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар Стипендиат ва унинг молиявий кафиллари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан солидар тартибда қоплаб берилади».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6275-сон Фармонига 4-иловадаги «етакчи» сўзи «бош» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 февралдаги «М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-290-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сўzlари «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўқув юрти» сўзлари «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги «Тошкент шаҳрида И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-564-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сўзлари «Таълим тўғрисида»ги Конунининг сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўқув юрти» сўзлари «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдағи «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-691-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ўқув юрти» сўзлари «таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-баннадаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сўзлари «Таълим тўғрисида»ги Конунининг сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1106-сон қарорининг 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «муассасаси» сўзи «ташкилоти» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сўзлари «Таълим тўғрисида»ги Конунининг сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги «Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) коидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги ПҚ-1566-сон қарорининг 1-банди бешинчи хатбошиси кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси — таълим ташкилотлари томонидан берилган расмий хужжатларга».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдағи «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошисидаги «ўқув юртларида» сўзлари «таълим муассасаларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари «Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 23 майдаги «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1971-сон қарорининг 8-бандидаги «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркиби бўлинмалари билан махсус келишувни талаб қила-диган мансабдор шахслар рўйхатида «Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчи бўлинмалари» бўлими қўйи-даги таҳрирда баён этилсин:

**«Ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчи бўлинмалари**

1. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдағи «Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2691-сон қарори З-банди тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касбга ўйналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, профессионал таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, касб-хунар мактаблари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш».

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3001-сон қарорида:

а) 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «касб-хунар коллежларининг» сўzlари «профессионал таълим муассасаларининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги «касб-хунар коллежлари» сўzlари «профессионал таълим муассасалари» сўzlари билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3105-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомнинг 5-бандида:

саккизинчи хатбошидаги «касб-хунар» сўzlари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

ён иккинчи хатбошидаги «касб-хунар ва ўрта махсус» сўzlари «профессионал ва умумий ўрта» сўzlари билан алмаштирилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансан.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги

«Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3152-сон қарорида:

а) 10-банддан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 15-позицияси «Молиялаштириш манбалари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Институтнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари».

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдағи «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3261-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги «мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига» сўzlари «мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини» сўzlари «мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини» сўzlари билан алмаштирилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдағи «Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3433-сон қарорининг 4-банди бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академияда юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш олий таълимдан кейинги таълимга қўйиладиган давлат таълим талаблари асосида амалга оширилиши».

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3703-сон қарори билан тасдиқланган Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолиятини ташкил этиш бўйича «йўл харитаси»нинг 9-позициясида:

«Молиялаштириш манбалари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси, халқаро таълим грантлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва ҳомийлик маблағлари»;

«Бажариш учун масъуллар» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари».

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 майдаги «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3737-сон қарорида:

а) 11-бандидан «Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 8-позициясида:

«Молиялаштириш манбай» устунидан «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари,» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Масъуллар» устунидан «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари чиқариб ташлансан.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги «2018 / 2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги ПҚ-3769-сон қарори 15-бандидан «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари чиқариб ташлансан.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июндаги «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3795-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги «таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг» сўзлари «таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг» сўзлари билан алмаштирилсан;

б) 7-банднинг олтинчи хатбошисидаги «ўкув ютидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсан.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 июлдаги «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3880-сон қарорининг 4-банди тўртинчи хатбошидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзлари чиқариб ташлансан.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдағи «Корпоратив, лойиха бошқаруви соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3930-сон қарори 4-бандидаги «ўкув ютидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсан.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4055-сон қарори 1-бандининг тўққизинчи хатбошидаги «ўкув ютидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсан.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4171-сон қарори билан тасдиқланган «Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)» Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали Васийлик кенгаши таркибининг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«11. Лавозимига кўра — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори».

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сон қаро-

ри 5-бандининг «д» кичик бандидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-куватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сон қарорида:

а) 7-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари Институт илмий ходимларининг малака ошириши молиялаштириш манбаси этиб белгилансин»;

б) 18-банднинг учинчи хатбошисидаги «илмий-тадқиқот муассасалари» сўzlари «илмий ташкилотлари» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 19-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидағи «илмий-тадқиқот муассасаларининг» сўzlари «илмий ташкилотларнинг» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг 10, 34 ва 35-позициялари «Молиялаштириш манбалари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари».

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўzlари «профессионал таълим» сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўzlари «профессионал таълим» сўzlари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «касб-хунар таълимнинг» сўzlари «профессионал таълимнинг» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўzlари «профессионал таълим» сўzlари билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи хатбошидаги «касб-хунар» сўzlари «профессионал» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «касб-хунар коллажларида» сўzlари «профессионал таълим муассасаларида» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 7-банднинг «е» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўzlари «профессионал таълим» сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «касб-хунар таълими» сўzlари «профессионал таълим» сўzlари билан алмаштирилсин.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр сектор-

ни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4410-сон қарорининг 14-банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сон қарорида:

а) 8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 4-илованинг ўн бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори»;

в) 5-илованинг 8-позицияси «Қарорнинг бандлари» устуnidаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги» сўzlари чиқариб ташлансин.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдағи ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидағи низомда:

а) 129-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидағи «ўқув юртидан» сўzlари «таълимдан» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 270-банддаги «ўқув юртидан» сўzlари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 273-банд иккинчи хатбошисидаги «таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси» сўzlари «таълим муассасаси ёки илмий ташкилот» сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 274-банднинг биринчи хатбошисидаги «ўқув ёки илмий-тадқиқот муассасаси» сўzlари «таълим муассасаси ёки илмий ташкилот» сўzlари билан алмаштирилсин.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4492-сон қарорида:

а) 5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — «Эл-юрт умиди» жамғармаси):

«Ўзатом» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил ва кейинги йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, «Ўзатом» агентлигининг бюджетдан ташқа-

ри маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига хорижда кадрлар малакасини ошириш ва стажировка қилиш, шунингдек, хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларнинг магистратура, аспирантура ва докторантурасида ёш мутахассисларни ўқитиш мақсадли кўрсаткичларини тузишда ядро-энергетика дастурида иштирок этувчи вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин»;

б) 1-иловада:

3-бобда:

2-параграфнинг «г» кичик бандидаги «илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари» сўзлари «илмий ташкилотлар ва таълим муассасалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-параграфнинг иккинчи хатбошисидаги «илмий-тадқиқот муассасалари» сўзлари «илмий ташкилотларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бобда:

олтинчи хатбошидаги «таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида» сўзлари «таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг» сўзлари «таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 ноябрдаги «Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4526-сон қарорининг 2-банди тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Институт илмий ходимларининг хориждаги етакчи илмий марказлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида малака оширишини таъминласин.

Илм-фани молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари, Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар Институт илмий ходимларининг хорижда малака оширишини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин».

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самараорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4688-сон қарори 5-банди учинчи хатбошисидаги «ўқув ютидан» сўзлари «таълимдан» сўзи билан алмаштирилсин.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон қарори билан тасдиқланган Ўзини ўзи банд қиласидаги шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатининг 1-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Уйда ёки давлат таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоатлари хоналарида репетиторлик қилиш — болалар ва катталар

билин таълим фанлари бўйича якка тартибда ҳамда гурух бўлиб машғулотлар ўтказиш».

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июнданги «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4754-сон қарорининг 16-банди иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги» сўзлари чиқариб ташлансин.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнданги ПҚ-4794-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастурининг 31-позицияси «Молиялаштириш манбалари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-кувватлаш жамғармаси маблағлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар».

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Имом Мотуридий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4802-сон қарорида:

а) 11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси мунтазам равишда Марказнинг асослантирилган таклифлари ва тўғридан-тўғри буюртмалари асосида илмий ходим ва тадқиқотчиларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш ҳамда хорижлик илмий ходим ва тадқиқотчиларни Марказга жалб қилиш чораларини кўриб борсин»;

б) 1-илованинг 13-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Лавозим бўйича — Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижро-чи директори».

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»нинг 30-позицияси «Амалга ошириш механизми» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан ўрмон хўжалиги ривожланган хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва ўрмон хўжаликларида буюртмачининг тўғридан-тўғри буюртмалари ҳамда давлат грантлари асосида ҳар йили ўрмон хўжалиги соҳасидаги ходим ва мутахас-

сислар малака оширишга юборилишини, шу билан бирга белгиланган тартибда квота ажратилишини таъминлаш».

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4896-сон қарорида:

а) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси 2021 йилдан бошлаб белгиланган тартибда «Ўзгидромет»нинг юқори салоҳиятли ходимларини етакчи хорижий таълим, илмий ва ихтисослаштирилган муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда стажировка ўташини ташкил этсин»;

б) 2-илова 27-позициясининг «Тадбирлар номи» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан белгиланган тартибда гидрометеорология фаолияти йўналишлари бўйича хорижда кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш».

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПҚ-4910-сон қарори билан тасдиқланган Иқтидорли ёшларни саралаб олиш ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурининг 10-позициясида:

а) «Амалга ошириш механизми» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Академик лицейларнинг иқтидорли ўқитувчиларини Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг стипендияси асосида хорижий мамлакатларда магистратура ва докторантурада ўқитишни, буюртмачи ташкилотнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида малака ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш»;

б) «Молиялаштириш манбалари» устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва тизимида олий таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар учун Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**679 Пахта хом ашёсини етишириш ва унинг йифим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Пахта хом ашёси етишириш ва унинг йифим-терим харажатларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, пахта хом ашёси етиширувчилярнинг манфаатдорлигини ошириш ҳамда маҳсулотни чуқур қайта ишлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсини етиширишни ва пахта йифим-теримини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларидан молиялаштиришнинг қуидаги тартиби жорий этилсин:

а) пахта хом ашёсини етишириш ва пахта йифим-теримини имтиёзли молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари орқали амалга оширилади;

б) тижорат банклари томонидан Жамғарма ресурслари ҳисобидан қўйидағилар учун имтиёзли кредитлар ажратилади:

пахта-тўқимачилик кластерларига пахта етишириш учун — пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача микдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 24 ойга, шу жумладан 18 ойлик имтиёзли давр ва 19-ойдан бошлаб сўнгги 6 ой давомида тенг улушларда қайта-риш шарти билан;

Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта хом ашёси етишириш учун — пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача микдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 14 ойга;

пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта йифим-теримини молиялаштириш учун — пахта хом ашёси қийматининг 20 фоизигача микдорда йиллик 10 фоиз (шундан, 2 фоизи банк маржаси) ставкада 12 ойга, шу жумладан 3 ойлик имтиёзли давр билан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хом ашёси хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун 12 ойга-ча муддатга миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан компенсация тўланади. Бунда, якуний ҳисоб-китоб учун ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича компенсация харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилади.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 ноябрда эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

2023 йил ҳосилидан бошлаб пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлининг пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли ҳосил йили учун олдинги йилнинг 1 октябридан бошланади;

пахта хом ашёсими етиштириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган имтиёзли кредитлар пахта хом ашёси етиштириш билан боғлиқ агротехник тадбирларни молиялаштириш учун фермер хўжаликларига йўналтирилади, бундан пахта-тўқимачилик кластерларига улар томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалиги ерларида пахта хом ашёсими етиштириш учун ажратилган кредитлар мустасно;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларига пахта хом ашёси етиштириш учун олдиндан тўлов пул шаклида амалга оширилади. Бунда, олдиндан тўловни натура шаклида амалга оширишга йўл кўйилмайди;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, техника ва техника хизматларига (ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларидан ташқари) оид масалалар, шу жумладан уларни импорт қилишни мустақил ҳал қилинади, бунга ҳар қандай тарзда аралашиб тақиқланади.

4. Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ва кластерларнинг молиявий ҳолати устидан доимий мониторингни ташкил этиш мақсадида Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги мавжуд штат бирликларини қисқартириш ҳисобига Жамғарма таркибида 5 штат бирлигидан иборат бўлим ташкил этилсин.

Жамғармага ўзи томонидан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилишини аудит ва бизнес консалтинг ташкилотларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда аудитдан ўтказиш ҳукуқи берилсин.

5. Марказий банк, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иктисолий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжатлар пакетини Вазирлар Махкамасига киритсан:

товар омборларига қўйиладиган талаблар, товар омборлари фаолиятини ташкил этиш ва сақлаш учун берилган мол-мулк бўйича томонлар мажбуриятининг бажарилишини таъминлаш тартиби, шунингдек, қатъий хисобда турувчи омбор гувоҳномасига қўйиладиган талаблар;

омборга сақлаш учун берилган мол-мулк микдори, тури, сақлаш муддати ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи Омбор гувоҳномаси ягона реестрини яратиш ҳамда унда тадбиркорлик субъектлари, тижорат банклари ва давлат бошқаруви органлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш.

Тижорат банкларига мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилингунга қадар, кредитлаш учун

пахта-тўқимачилик кластерларининг ип-калава захирасини, башарти ушбу захира қарз мажбуриятларидан ва гаровдан холи бўлган тақдирда, гаровга олиш тавсия этилсин. Бунда, гаровга қўйилган ип-калава захиралари гаровга олувчи тижорат банкининг розилиги асосида тасарруф этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ва молия вазири Т.А. Ишметов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ тадбирларни узлуксиз молиялаштириш учун 2022 йилда Жамғармага Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 5 трлн сўм беғараз молиявий ёрдам ҳамда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китобларига кўра 7,5 трлн сўмгacha бюджет ссудаси ажратилишини таъминласин.

7. Пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган пахта-тўқимачилик кластерларига 2021 йил ҳосили учун пахта хом ашёсини етиштиришга ажратилган имтиёзли кредитлар 2022 йил сентябрь ойидан бошлаб 6 ой давомида тенг улушларда қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда, Жамғарма ҳисобидан ушбу мақсадлар учун тижорат банклари га ажратилган ресурсларни қайтариш имтиёзли кредитларни қайтариш муддатига мутаносиб равишда узайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

10. Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритисин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М. Фаниев зими масига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 ноябрь,  
ПҚ-2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 10 ноябрдаги  
ПҚ-2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға  
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4633-сон қарорининг 4-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Белгилансинки, Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармасининг имтиёзли кредит ресурслари хисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган кредит маблағларидан пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 53-сон қарорининг 5-банди ўз кучини ўқотган деб хисоблансан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 130-сон қарори билан тасдиқланган Пахта хом ашёси етишириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) кредит ресурслари хисобидан тижорат банклари томонидан пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг (кейинги ўринларда — қарз олувчи) пахта хом ашёси етишириш ва пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш тартибини белгилайди»;

б) 2-бандда «1 ноябригача» сўзлари «1 октябригача» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг биринчи хатбошисига «ҳар ойнинг 5-санасига қадар» сўзларидан сўнг «, пахта йиғим-терими харажатлари учун мавсум даврида ҳар беш кунда» сўзлари қўшилсин;

г) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «1 ноябридан» сўзлари «1 октябридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пахта йиғим-терими харажатларини кредитлаш молия йилининг 1 сентябридан бошланади»;

д) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Жамғарма тижорат банки билан тузилган битимга асосан кредит ресурсларини:

а) пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хом ашёси етиштириш харажатларини кредитлаш учун пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 8 фоиз ставкадан ошмаган микдорда, 18 ой имтиёзли давр билан умумий фойдаланиш муддати 24 ойга жойлаштиради, бунда, кредитни қайтариш 19-ойдан бошланади ҳамда у сўнгги 6 ойда тенг улушларда қайтарилади;

б) Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг пахта хом ашёси етиштириш харажатларини кредитлаш учун 14 ой муддат билан пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 8 фоиз ставкада кредит ресурсини қайтариш муддатини узайтириш хуқуқисиз жойлаштиради;

в) пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта йифим-терими ни молиялаштириш учун пахта хом ашёси қийматининг 20 фоизигача йиллик 8 фоиз ставкадан ошмаган микдорда 3 ойлик имтиёзли давр билан 12 ойга кредит ресурсини қайтариш муддатини узайтириш хуқуқисиз жойлаштиради»;

е) 7-банднинг «а» кичик бандидан «фермер хўжаликлари ва» сўзлари чиқариб ташлансан;

ж) 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Тижорат банки қарз олувчи билан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини кредитлаш учун тузган кредит шартномасига асосан:

а) пахта-тўқимачилик кластерларининг пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 10 фоиз ставкадан ошмаган микдорда (шундан, банк маржаси 2 фоиз), 18 ой имтиёзли давр билан умумий фойдаланиш муддати 24 ойга кредит ажратади, бунда, кредитни қайтариш 19-ойдан бошланади ҳамда у сўнгги 6 ойда тенг улушларда қайтарилади;

б) Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун 14 ой муддат билан пахта хом ашёси қийматининг 60 фоизигача йиллик 10 фоиз ставкада (шундан, банк маржаси 2 фоиз) кредит ажратади;

в) пахта-тўқимачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларига пахта йифим-терими ни молиялаштириш учун пахта хом ашёси қийматининг 20 фоизигача йиллик 10 фоиз ставкадан ошмаган микдорда (шундан, банк маржаси 2 фоиз) 3 ойлик имтиёзли давр билан 12 ойга кредит ажратади»;

з) Низомга илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**680 «Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда иктиносидиёт тармоқларини ва ахолини энергия ресурслари билан барқарор ва сифатли таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, «Cengiz Enerji San. ve Tic A.S.» (Туркия Республикаси) (кейинги ўринларда — Инвестор) ва «Cenergo» МЧЖ (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) билан Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини қуриш инвестиция лойиҳаси (кейинги ўринларда — Инвестиция лойиҳаси) амалга оширилиши режалаштирилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 28 июня инвестиция битими имзоланганлиги (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) ҳамда унга мувофиқ Инвестор ва Лойиҳа компанияси:

Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган газ-поршенли электр станциясини лойиҳалаштириши, молиялаштириши, қуриши ва 25 йил давомида эксплуатация қилиши;

юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда, жами 140 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиши;

в) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасида 2021 йил 28 июня Инвестиция лойиҳаси доирасида Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) имзоланганлиги ҳамда ушбу битимга мувофиқ:

Лойиҳа компанияси қурилиш давридаги ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишининг таъминоти сифатида 1,6 млн АҚШ доллари миқдорида банк кафолатини тақдим этиши;

Лойиҳа компанияси ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тимсолида ягона харидорга сотиш мажбуриятини олганлиги;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ 25 йил давомида электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши ва электр энергияси учун тўловни миллий валютада амалга ошириши;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига чет эл валютасида имтиёзли, қолланмайдиган шартсиз банк кафолати тақдим этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги, Инвестор ва Лойиҳа компанияси ўртасидаги имзолангандаги Инвестиция битими тасдиқлансан.

Белгилансинки, Инвестиция битими унда кўрсатилган шартларга мувофиқ кучга киради.

3. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Лойиҳа компанияси ўртасидаги тўғридан-тўғри музокаралар натижасида Инвестиция лойиҳаси доирасида имзолангандаги Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансан.

4. Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ уларнинг амал қилиш муддати давомида Электр энергиясини сотиб олиш учун хорижий валютада деноминацияланган қатъий тариф ўрнатилганлиги белгилаб қўйилсан.

5. Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга:

Лойиҳа компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган Электр энергиясини уч ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига Ўзбекистон Республикаси тижорат банкининг чет эл валютасида имтиёзли, қолланмайдиган, қайтариб берилмайдиган ва шартсиз банк кафолати тақдим этишга;

Инвестиция лойиҳаси мақсадлари учун табиий газ етказиб берувчи сифатида иштирок этишга;

Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ уларнинг амал қилиш муддати давомида Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқарилган Электр энергияси нархларини, истисно тариқасида, чет эл валютасига боғлаган ҳолда белгилашга рухсат берилсан.

6. «Ўзтрансгаз» АЖ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўзда тутилган ҳажмларга ва параметрларга мувофиқ Лойиҳа компаниясига табиий газ етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланишини таъминласин.

Бунда, «Ўзтрансгаз» АЖнинг айби билан табиий газ етказиб берилмаслиги натижасида «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ томонидан Лойиҳа компаниясига етказилган заарлар, шу жумладан барча турдаги жарима ва бой берилган фойда суммаларини тўлаб бериш мажбурияти юзасидан, агарда шартномада бошқа шартлар кўрсатилмаган бўлса, табиий газ етказиб берувчилар «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ олдида конунчилик ҳужжатларига мувофиқ регресс тартибида жавобгар бўлиши белгилаб қўйилсан.

Сув хўжалиги вазирлиги Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги

битимда кўзда тутилган ҳажмларга ва параметрларга мувофиқ Лойиҳа компаниясига техник сув етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланишини таъминласин.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига тўланиши лозим бўлган барча соликлар ва йифимлар амалга оширилган ҳолда, хорижий кредиторларнинг лойиҳаларни молиялаштиришда анъанавий қўллайдиган рискни бошқариш талабларига мувофиқ кредит маблағлари сарфини назорат қилиш, чет эл валютасидаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш учун чет элдаги хорижий банкларда банк ҳисобваракларини очишига ҳамда республикада очилган банк ҳисобваракларидан хорижда очилган банк ҳисобваракларига Инвестиция лойиҳаси доирасида олинган кредитларни қайтариш мақсадида пул маблағларини ўтказишига руҳсат берилсин.

8. Сирдарё вилояти ҳокимлиги ўн кун муддатда Инвестиция битими ва Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимда кўрсатилган шартларга мос келадиган ер участкасининг Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуки билан ажратилишини таъминласин.

Энергетика вазирлиги мазкур бандга асосан ажратилган ер участкаси Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш муддатига тенг даврга Лойиҳа компаниясига ижарага берилишини таъминласин.

9. Адлия вазирлиги Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битими қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик хуносалар берсин.

10. Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экология экспертизасидан ўтказилишини ҳамда Инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишига оид қонунчиликка риоя этилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков ва энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 10 ноябрь,  
ПҚ-3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**681 Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Худудларда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ресурс имкониятларини кенгайтириш, уларни замонавий тиббий ускуналар билан жихозлаш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Давлат туман (шахар) ва вилоят тиббиёт муассасалари учун замонавий тиббий ускуналар харид қилиш ҳамда улардаги мутахассисларнинг етакчи хорижий тиббий муассасаларда малакасини ошириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан Молия вазирлигига унинг талабномаларига асосан 2021-2022 йилларда 100 млн АҚШ долларигача эквивалентдаги миллий валютада ўйллик 2 фоиз ставкада кредит маблағлари ажратилсин. Бунда, ушбу маблағлар Молия вазирлигининг талабномалари тақдим этилган санадан бошлаб 3 йил муддатгача берилади.

2. Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ ажратилаётган маблағларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг асосланган талабномаларига ҳамда белгиланган ставкага кўра қайташ шарти билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга уларга бюджет ссудаси сифатида ажратсан. Бунда, Молия вазирлиги кредит маблағларини республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини замонавий тиббий ускуналар билан жихозлашга ва етакчи хорижий тиббий муассасаларда уларнинг мутахассислари малакасини оширишга ҳам ўйналтириши мумкин.

3. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда хатлов ўтказиш асосида ҳар бир ҳудуд ва муассаса кесимида тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёжни аниқлайди ҳамда сугуна маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган ускуналар рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлигига келишиш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари келишилган рўйхатга асосан тиббий ускуналарни харид қиласи. Бунда, ушбу жараёнга «O'zmedimpeks» масъулияти чекланган жамияти агент сифатида жалб қилиниши мумкин;

тиббий ускуналарни харид қилиш бўйича техник топшириклар ва тендер хужжатлари «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасида (кейинги ўринларда — Марказ) комплекс экспертизадан ўтказилади;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ажратилаётган ссуда маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши ҳамда ўз вақтида қайтарилишига шахсан масъул ҳисобланади;

хорижда малака оширадиган тиббиёт ходимлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан танлов (конкурс) асосида шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон Фармони билан ташкил қилинган Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахасисларини кўллаб-куватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш бўйича ишли гурухи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ҳудудлардаги тиббиёт муассасалари мутахасисларининг етакчи хорижий тиббий муассасаларда малакасини ошириш мақсадида Марказда комплекс экспертиздан ўтказиш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

4. Давлат туман (шаҳар) ва вилоят тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича «Йўл ҳаритаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ушбу қарор доирасидаги тиббий ускуналарни харид қилиш жараёни ва улардан самарали фойдаланиш устидан доимий назорат ўрнатсан ҳамда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб борсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов белгилансан.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 июня га қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсан.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**III. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 ноябрь,  
ПҚ-6-сон

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**682 Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлик  
кластерини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғри-  
сида\***

Чирчиқ шаҳри саноат тармоқларининг ички имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги машинасозлигига ишлаб чиқариш жараёнларини мақбуллаштириш, тўлиқ циклли ишлаб чиқариш тизимини яратиш ҳамда ер майдонлари ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

«Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Агрегат заводи» АЖ, «Технолог» АЖ, «Технолог-Стан» МЧЖ, «Агросаноатмашинвест» МЧЖлар (кейинги ўринларда — корхоналар) ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисмини Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ худудига кўчириш ҳамда корхоналарни қайта ташкил этиш масалалари уларнинг акциядорлари умумий йиғилиши томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганлиги ва тегишли қарорлар қабул қилинганлиги;

«Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖнинг бўш ишлаб чиқариш майдонларида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил қилиш мақсадида тегишли тайёргарлик ишлари, жумладан курилиштаъмирлаш ишлари олиб борилаётганлиги.

2. «Ўзавтосаноат» АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда корхоналарнинг:

«Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖнинг бўш ишлаб чиқариш майдонларига корхоналарнинг қувватларини босқичма-босқич кўчириш ва жойлаштириш ўёли билан Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил қилиш;

«Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Агрегат заводи» АЖ, «Технолог» АЖ, «Агросаноатмашинвест» МЧЖ устав капиталларида давлат улушларини номинал қийматда ўтказиши хисобига «Toshkent traktor zavodi» МЧЖни (кейинги ўринларда — «TTZ» МЧЖ) ташкил қилиш;

уч ой муддатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ, «Агрегат заводи» АЖ, «Технолог» АЖ ва «Технолог-Стан» МЧЖни «TTZ» МЧЖга қўшиб олиш;

корхоналарга тегишли бўшаётган ер майдонлари, бино ва иншоотлар (кейинги ўринларда — бўшаётган активлар) Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бўшаётган активларнинг мулкдори ўртасида тузиладиган хиз-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

матларни кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин. Бунда, Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шахар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖнинг бўшаётган ер майдонларидан унумли фойдаланиш, жумладан унинг бир қисмида ахоли сайил қилишига мўлжалланган яшил жамоат паркини яратиш бўйича Вазирлар Мажкамасига таклиф киритсин.

3. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда «TTZ» МЧЖга корхоналарни «Чирчик қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ҳудудига қўчириш, акцияларнинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилган акциядорлардан уларга тегишли акцияларни сотиб олиш (заруратга кўра) билан боғлиқ бўлган ва ушбу қарорда назарда тутилган бошқа харажатларни молиялаштириш учун, бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдоларида сотишдан тушадиган маблағлар эвазига қоплаш шарти билан, алоҳида фазначилик ҳисобраками очган ҳолда Давлат бюджетидан бир йил муддатга Марказий банк асосий ставкасида 100 миллиард сўм ссуда маблағлари (кейинги ўринларда — ссуда) ажратилишини таъминласин.

Бунда, «TTZ» МЧЖ олинган ссуда доирасида қилинган барча харажатлар (шу жумладан, курилиш харажатлари) юзасидан ҳар ойда Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига ҳисобот беради.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

а) «TTZ» МЧЖни ташкил этиш, бўшаётган активларни баҳолаш, баҳолаш ҳисоботларининг ишончлилигини экспертиза қилиш, савдога чиқариш, сотиш ҳамда тижорат банклари гаровидан чиқариш ёки гаров таъминотини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур харажатлар кейинчалик бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдоларида сотишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

б) бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушган пул маблағлари «TTZ» МЧЖга очилган алоҳида фазначилик ҳисобракамига ўтказилиб, йиғиб борилади;

в) Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Ўзавтосаноат» АЖ, Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги тегишли тижорат банклари билан биргаликда заруратга кўра корхоналар томонидан тижорат банклари олдиаги мажбуриятлари бўйича гаровга қўйилган активларни қайта баҳолайди, баҳолаш ҳисоботларининг ишончлилигини экспертиза қиласи ҳамда активларнинг мавжуд қарздорликни қоплаш учун етарли бўлган қисмини қайта гаровга қўяди ёки бошқа активлар билан алмаштиради;

г) «TTZ» МЧЖга очилган алоҳида фазначилик ҳисобракамида йиғиб бориладиган маблағлар «TTZ» МЧЖ ва «Ўзавтосаноат» АЖ томонидан ишлаб чиқилиб, Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ва-

зирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметаси (шу жумладан, қурилиш харажатлари) асосида «TTZ» МЧЖ томонидан босқичма-босқич сарфланади, бунда харажатлар сметасини вазирликларда келишиш муддати 10 кундан ошмаслиги керак;

д) «TTZ» МЧЖнинг алоҳида ғазначилик ҳисобрақамидаги маблағлар корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини қўчириш, қайта жойлаштириш, янги бино ва иншоотлар барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш (шу жумладан, ушбу ишлар харажатларини молиялаштириш учун жалб қилинганди кредит ва фоизларни сўндириш), корхоналарнинг бюджет ва давлат мақсадли жамғармалар, корхоналарнинг тижорат банклари олдидаги муддати ўтган ва жорий қарздорлигини ҳамда бошқа кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш, ссудани қайтариш ва ссуда бўйича фоизларни тўлаш, корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнида акцияларнинг қайтариб сотиб олинишини талаб қилган акциядорлардан уларнинг акцияларини сотиб олиш, зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш, «TTZ» МЧЖни асосий фаолияти билан боғлиқ харажатлар ҳамда унинг айланма маблағларини тўлдиришга сарфланади. Бунда, корхоналарнинг тижорат банклари олдидаги мажбуриятлари бўйича гаровда турган бўшаётган активларни гаровни бекор қилмаган ҳолда электрон онлайн-аукцион савдоларидан сотувга чиқаришга рухсат берилади ва гаровда турган бўшаётган активларни сотишдан тушган тушумлар устувор равишда тегишли тижорат банклари кредитларини қоплашга йўналтирилади;

е) бўшаётган активлар аукцион ғолибига аукцион шартларида кўрса-тилган муддатларда белгиланган тартибда гаровдан чиқарилиб, карзларсиз ва тақиқлардан ечилган ҳолда топширилади.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

- бир ҳафта муддатда «TTZ» МЧЖнинг ташкил этилишини;
- «Ўзавтосаноат» АЖ билан биргаликда:

босқичма-босқич корхоналарнинг бўшаётган активларини баҳолаш ва уларнинг электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилишини;

корхоналарнинг омборхоналаридағи тайёр қишлоқ ҳўжалиги техника-ларини сотишдан тушадиган маблағларнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилишини;

заруратга кўра, қўчириш харажатларини молиялаштириш мақсадида «TTZ» МЧЖ томонидан гаров таъминоти сифатида «TTZ» МЧЖ ва корхоналарнинг бошқа мол-мулки тақдим этилиши шарти билан тижорат банкларидан кредитлар жалб қилинишини таъминласин.

6. Белгилансинки:

«TTZ» МЧЖдаги давлат улуши «Ўзавтосаноат» АЖга икки йил муддатга ишончли бошқарувга берилади;

мазкур қарор доирасида юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида корхоналарнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ акциялари (улушлари)га «TTZ» МЧЖ ҳамда «Технолог» АЖнинг эга бўлиши янгидан сотиб олинган акциялар пакети (улушлар) деб ҳисобланмайди;

мазкур қарор билан қайта ташкил этилаётган корхоналарни қўшиб

олаётган хўжалик жамиятининг устав фонди миқдори корхоналарнинг мол-мулклари ва мажбуриятларини хатлов ҳамда баҳолашни ўтказмасдан, уларнинг солиқ органларига топширилган охирги бухгалтерия баланси маълумотлари асосида соф активлари қийматида (соф активлари манфий бўлган тақдирда — корхона устав капитали миқдорида) белгиланади;

бўшаётган активларни электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйишда ва уларни сотиш жараёнларини ташкил этишда профессионал ташкилотларни жалб этиш Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида амалга оширилади;

Давлат активларини бошқариш агентлигига бўшаётган активларни лотларга бўлишга, шу жумладан уларнинг таркибидаги ер участкаларни алоҳида лотлар сифатида шакллантириб электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотувга чиқаришга руҳсат берилади;

«Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖнинг бўш ишлаб чиқариш майдонлари корхоналарга уларни жойлаштириш ва қайта ташкил этиш ишлари якунлангунига қадар бепул фойдаланишга бериш юзасидан мазкур жамият акциядорлари қарорига асосан берилади;

Чирчиқ шаҳридаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери» лойиҳасини амалга оширишда заруратга кўра қурилиш-монтаж ишлари лойиҳасмета хужжатлари ва бир босқичли тартибда техник-иктисодий асосни ишлаб чиқиш (ишли лойиҳа, техник-иктисодий ҳисоб-китоблар) билан бир вактнинг ўзида амалга оширилади.

#### 7. «Ўзватосаноат» АЖ:

икки ой муддатда замонавий харидорбоп ва арzon тракторлар ҳамда осма тиркамаларни ишлаб чиқариш бўйича нуфузли хорижий конструкторлик марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйсин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иктиносидий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерининг фаолиятини йўлга қўйиш, асосий воситаларни техник аудитдан ўтказиш, аудит натижасига кўра яроқсиз асосий воситаларни сотиш ёки ҳисобдан чиқариш, техникалар паркини модернизация қилиш учун қўшимча асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш ҳамда, заруратга кўра, ташкилий масалаларга масъул бўлган ишчи гурухи таркиби ва унинг ваколатлари (шу жумладан, лойиҳани амалга ошириш муддатларига ўзгаришиш киритиш ва масъул ижрочиларни белгилаш) юзасидан таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йил 1 январдан бошлаб маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан кам бўлмаган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатли дилерлик ташкилотлари томонидан харидорларга етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун қўйидаги субсидиялардан бир вақтда фойдаланишга руҳсат берилади:

қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 15 фоизи миқдорида ажратиладиган субсидия. Бунда, ушбу субсидия биринчи навбатда ушбу қишлоқ

хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун жалб қилинган кредит ёки лизинг бўйича қарздорликни сўндиришга йўналтирилади;

кредит ёки лизинг шартлари асосида қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинганда фоиз харажатлари субсидияси. Бунда, фоиз харажатларининг 10 фоиз пунктидан ортиқ қисми Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан Давлат бюджети маблағлари хисобидан қоплаб берилади.

9. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳрида жойлашган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини Чирчиқ шаҳрида ташкил қилинаётган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерига кўчириш, уларни жойлаштириш ҳамда курилиш ишларини жадаллаштирун.

10. «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ҳамда унинг ҳудудида ижара шартномалари асосида жойлашган, Чирчиқ шаҳрига кўчирилаётган корхоналар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаларига нисбатан мазкур қарорнинг 8-бандида назарда тутилган субсидиялар истисно тариқасида 2023 йил 31 декабргача татбиқ этилсин.

11. Курилиш вазирлиги ва Давлат солик кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда яшил ҳудудларни инобатга олган ҳолда «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ ер майдонининг аниқ чегараларини белгиласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда бўшаётган активларни, жумладан бино, иншоот ва ер майдонларини алоҳида лотларга бўлиб сотиш имкониятини ўрганиб чиқиб, асослантирилган таклифларни Давлат мулкини сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига киритсан.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Ўзавтосаноат» АЖ «Агрегат заводи» АЖ, «Технолог» АЖ, «Тошкент қишлоқ хўжалиги техникалари заводи» АЖ корхоналарини кўчириш муносабати билан ишдан бўшайдиган ходимларга компенсация харажатларини, шу жумладан ажратиладиган бюджет ссуда маблағлари хисобидан тўлаб бериш ва бошқа ишга жойлаштириш чораларини кўрсун.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига иловага мувофиқ ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилсан.

14. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан:

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринbosари Б.К. Абдиназаров зиммасига — ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш учун;

«Ўзавтосаноат» АЖнинг бошқарув раиси Ш.Б. Умурзаков зиммасига — Чирчиқ шаҳридаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери» лойиҳасини ташкил қилиш учун шахсий масъулият юклансин.

Қарорнинг ўз вактида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчкоров ва Тошкент вилояти ҳокими Д.А. Хидоятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 11 ноябрь,  
ПҚ-7-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги  
ПҚ-7-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги «Ўзгартотехсаноатхолдинг» акционерлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2658-сон қарорининг 14-бандида:

биринчи хатбошидаги «2022 йилнинг 1 январига» сўзлари «2025 йилнинг 1 январига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги ««Ўзгартотехсаноатхолдинг» АЖ» сўзлари «қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4268-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналарнинг ғалла ўриш ва пахта териш техникаси, республикада ишлаб чиқарилган барча турдаги тракторлар, ғалла ва пахта сеялкалари, шунингдек, уч ёки ундан ортиқ омоч корпузларини харид қилиш учун кредит ва лизинг шартномалари бўйича фоиз харажатлари қисман Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, фоиз харажатларини қоплашнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкаси ўзаригига қараб Молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан кўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4410-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошисида:

«2019 — 2021 йилларда» сўзлари «2019 — 2023 йилларда» сўзлари билан алмаштирилсин;

«20» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июндаги «Ўзбекистон Республикасида «Фольксваген» енгил тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4757-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«иштирокчиси (акциядори) «Ўзавtosanoat» АЖ ва/ёки «Ўзавtosanoat» АЖ бошқарувчи компаниялари бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар, «Ўзавtosanoat» АЖ тизимидағи корхоналар, «Ўзавtosanoat» АЖга ишончли бошқарувга берилган ва уларнинг таркибида бўлган ишлаб чиқарувчи корхоналар — улар томонидан автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги саноати учун ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бўйича».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат мухитини яратишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4969-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги «2022 йил 1 январга» сўzlари «2025 йил 1 январга» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 578-сон қарорига 1-иловада:

а) 2-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳирда баён этилсин:

**«қишлоқ хўжалиги техникаси** — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ғалла ўриш ва пахта териш техникаси, барча турдаги тракторлар, уч ва ундан ортиқ корпусли айланма омочлар ҳамда кўп вазифали пневматик ва механик сеялкалар;»;

учинчи хатбошидаги «мулкчилик шаклларидан қатъи назар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи субъектлар,» сўzlари «қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиширувчи юридик ва жисмоний шахслар,» сўzlари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «10 фоизлик пункти миқдоригача» сўzlари «10 фоизлик пунктидан юқори қисмини» сўzlари билан алмаштирилсин; бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «фоизнинг 10 фоизлик пунктигача» сўzlари «фоизини қисман» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 6-банд қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«6. Қарз олувчининг лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун субсидия тижорат банки ва лизинг ташкилоти томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктидан юқори қисми миқдорида ажратилиди.

Бунда, қарз олувчининг лизинг ёки кредит шартномаси ғалла ўриш ва пахта териш техникаси учун 10 йил муддатга, тракторлар учун 7 йил муддатга, уч ва ундан ортиқ корпусли айланма омочлар ҳамда кўп вазифали пневматик ва механик сеялкалар учун 5 йил муддатга расмийлаштирилган бўлиши лозим.

Кредит ёки лизинг олувчиларнинг сўровига асосан ушбу бандда кўрсатилган муддатлар қисқартирилиши мумкин»;

г) 9-бандда:

«а» кичик бандидаги «20» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин;  
 «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин;

«б» лизинг ёки кредит шартномасида белгиланган фоиз ставкасининг  
 10 фоизлиқ пунктдан юқори қисмини қоплаш учун ажратилади»;

д) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

е) 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Лизинг ташкилоти ёки тижорат банки қарз оловчи томонидан ўзига тегишли фоиз тўловини тўланганлиги тўғрисида маълумот ва субсидия олиш учун буюртмани Жамғармага тақдим этади.

Бунда, лизинг ташкилоти ёки тижорат банки томонидан тақдим этилган буюртмаларга ўзгартириш киритилмайди»;

ж) 18-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Карз оловчи лизинг ёки кредитни уни муддати ўтгандан сўнг қайтарганда ажратиладиган субсидия тасдиқланган тўлов жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим»;

з) 21-банддаги «10 фоиз пунктигача» сўзлари «қисман» сўзи билан алмаштирилсин;

и) 25-бандда:

«а» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) лизинг ёки кредит шартномаси бўйича субсидия мақсадсиз сарфланганлиги аниқланганда, қарз оловчи томонидан лизинг ёки кредит асосий қарзининг тегишли қисми тўлов жадвалида белгиланган санадан бошлаб 90 кун давомида тўлиқ тўланмаса»;

«г» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) лизинг ёки кредит шартномаси тўлиқ бекор қилинганда ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа шахсга ўтказилганда»;

к) Низомга илованинг IV-босқичида «Амалга ошириладиган тадбирлар» устуnidаги «фоизининг 10 фоиз пунктигача» сўзлари «фоизини тегишли миқдорда» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 952-сон қарорига иловада:

а) 2-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар,» сўзлари «қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар,» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «20» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

б) 8-банд «в» кичик бандининг саккизинчи хатбошисидаги «20» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;

в) 16-бандда:

иккинчи хатбошидаги «20» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин;  
 учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

8. Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 26 февралдаги «Ўзвестосаноат»

АЖ акциядорлик жамияти трансформациясини ҳамда узок муддатли ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 109-сон қарорининг 11-банди «узеллар ва агрегатлар» сўзларидан кейин «хом ашё ва материаллар» сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябрдаги «2021 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 666-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошиси «пахта-тўқимачилик кластерлари» сўзларидан кейин «кишлок хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар» сўзлари билан тўлдирилсин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**683 Германия тараққиёт банки иштирокида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳалари, шу жумладан қишлоқ хўжалиги йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куватлаш ҳамда Германия тараққиёт банки (кейинги ўринларда — KfW) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Кўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган молиявий ҳамкорлик келишувига асосан KfW томонидан Ўзбекистон Республикасида «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-куватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун йиллик 2 фоизли ставкада, 10 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 30 йил муддатга кредит ажратиш бўйича қарз ва грант битимлари имзоланганилиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 29,8 млн евро бўлиб, шундан:

26,8 млн евро KfWнинг кредитини ташкил этиши;

3,0 млн евро Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ консультация хизматлари учун KfW грантини ташкил этиши белгиланганилиги;

в) Лойиҳани амалга ошириш муддати 4 йил (2021 — 2024 йиллар) этиб белгиланганилиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш жараёнида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Лойиҳа доирасида иштирок этувчи молиявий ташкилотларга субсидиар қарз маблағлари Ўзбекистон Республикаси валютасида ва еврода тақдим этилади. Чет эл валютасининг миллий валютага нисбатан курси ўзгариши натижасида юзага келадиган молиявий йўқотишлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан қопланади.

### 3. Қуидагилар:

«Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ва маблағлардан фойдаланиш жадвали 1-иловага\* мувофик;

«Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида KfW кредитини ва унинг фоиз тўловларини тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага\* мувофик;

Германия тараққиёт банки иштирокидаги «Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан «Йўл харитаси» 3-иловага\* мувофик тасдиқлансан.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда KfW билан келишган ҳолда бир ой муддатда Лойиҳа доирасида иштирок этувчи молиявий ташкилотларни танлаб олиш мезонларини ва бериладиган кредитни молиялашнинг муддатлари ва шартлари (валюта хатарини ҳисобга олган ҳолда), субвойиҳаларни танлаш ва уларни баҳолаш мезонларини белгилаган ҳолда KfW кредитидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ҳамда тасдиқласин.

5. Молия вазирлиги KfW қарз маблағларини Лойиҳада иштирок этувчи молиявий ташкилотларга:

Ўзбекистон Республикаси валютасида қайта кредитлашда Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлмаган ставкада;

еврода қайта кредитлашда жалб қилинаётган кредит ставкасининг 25 фоизидан ошмайдиган микдорда Ўзбекистон Республикаси маржаси билан тақдим этсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига Лойиҳа доирасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, шунингдек, KfW ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари талабларига мувофик ҳисобот ҳамда зарур хужжатларни тайёрлаш ва тақдим этишни ўз вақтида ташкиллаштириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг KfW грант маблағлари ҳисобидан

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Лойиҳа доирасида молиялаштириладиган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини доимий ўрганиб бориш, лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига зарур маслаҳатлар (консультациялар) бериш, уларнинг муаммоларини бартараф этишда амалий ёрдам бериш ва бошқа доимий мониторинг олиб бориш ишларини йўлга кўйиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш учун KfW тартиб-таомилларига мувофиқ ташкил этиладиган танловга кўра шартнома асосида ёлланадиган консультантлар томонидан амалга оширилиши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Молия вазирига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва лойиҳада иштирок этувчи молиявий ташкилотлар ўртасидаги қайта кредитлаш битимларини ва қишлоқ хўжалиги вазирига Ўзбекистон Республикаси номидан KfW билан қарз ва грант битимларига асосан Лойиҳани амалга ошириш юзасидан алоҳида битимни имзолаш ваколати берилсин. Бунда, зарур ҳолларда ушбу битимларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга руҳсат этилади.

9. Адлия вазирлиги белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ва KfW ўртасидаги қарз ва грант битимларига юридик хуносалар берсин.

10. Лойиҳада иштирок этувчи молиявий ташкилотлар зиммасига кредит линиясини бошқариш, KfW кредитининг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш, шунингдек, субвойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳисобот ва мониторингни юритиш вазифалари юклансин.

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги молиялаштирилган субвойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак яқуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлигига ҳисобот киритиб борсин ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб борсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ва молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари С.У. Умурзаков, Ж.А. Қўчкоров ва Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 ноябрь,  
ПҚ-9-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
КАРОРИ

### **684 Оролбўйи миңтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрь куни Хоразм вилоятига ташрифи давомида ва фуқаролар иштирокида ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, шунингдек, Оролбўйи ҳудуди аҳолисига кардиология ва кардиохирургия тиббиёт хизматларини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Урганч филиали негизида Оролбўйи миңтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худуд аҳолисига, шу жумладан Оролбўйи миңтақасидаги ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларининг туғма юрак нуксони билан туғилган болаларга ўз ихтисослиги бўйича юқори технологияга асосланган малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;

ўз ихтисослиги бўйича методик, технологик, даволаш ва профилактика сиёсатини амалга оширишга ҳамда клиник протоколларни ишлаб чиқиша кўмаклашиш;

ўз ихтисослиги бўйича касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис кўйиш ва касалликларни даволаш бўйича илғор усусларни ва технологияларни ишлаб чиқиша ҳамда амалиётга татбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

ўз ихтисослиги бўйича касалликларни даволаш ва уларга ташхис кўйишнинг патентланган усуслари ва технологияларини доимий равищада такомиллаштириб бориш ҳамда уларнинг халқаро миқёсда эътироф этилишига эришиш;

Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис кўйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуслари бўйича стажировкаларини ташкил этиш;

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

мавжуд тиббиёт техникалари паркининг доимий равишда янгилааб борилишини ва модернизация қилинишини таъминлаш, Марказни ўз ихтисослиги бўйича ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб қилиш бўйича менежмент ҳамда маркетинг ишларини ташкил этиш;

ўз ихтисослиги бўйича республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиша ва амалга оширишда фаол иштирок этиш;

ўз ихтисослиги бўйича етакчи халқаро тиббиёт марказлари, клиникалар ва юқори малакали хорижий мутахассисларини, консультациялар ва маҳорат дарслари ўтказиш учун республикага таклиф этиш орқали кенг ҳамкорликни ташкил этиш, шунингдек мутахассислар алмашинувини таъминлаш.

3. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий дастурларини амалга ошириш доирасидаги грантлар;

пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Белгилансинки:

Марказ ҳудуд ахолисига, шу жумладан Оролбўйи минтақасидаги ҳамда Бухоро ва Навоий вилоятларининг туфма юрак нуқсони билан туғилган болаларга ўз ихтисослиги бўйича юқори технологияга асосланган малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади;

Марказ томонидан ахолига кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдам Давлат бюджети маблағлари хисобига молиялаштириледиган республика тиббиёт муассасаларига ажратиладиган маблағлар доирасида қопланади;

Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўз муҳрига, Молия вазирлиги Фазначилигида шахсий ғазна ҳисобвараfiga эгадир;

Марказ директори Хоразм вилояти ҳокимлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Марказ Устави ва тузилмасини тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин, шунингдек, Марказни амалий тажрибага эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдирсан.

6. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Марказга ташкилий-методик раҳбарлик қилиш орқали амалиётга тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этсин ҳамда кадрлар малакасини ошириш, сайёр консультациялар, маҳорат дарслари ташкил этиб, хар томонлама амалий-услубий ёрдам кўрсатсан.

7. Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт марказини жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар рўйхати иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш тартиби Марказ учун 2022 йил 1 январдан бошлаб татбик этилсан.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказни жиҳозлаш учун 2021 йил республика бюджети параметрларида Соғлиқни сақлаш вазирлигига кўзда тутилган маблағлар доирасида мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ маблағни ажратилишини таъминласин.

Давлат бюджети маблағлари хисобидан Марказ учун жиҳозларни харид қилишга доир ишларни амалга ошириш бўйича Хоразм вилояти ҳокимлиги буюртмачи этиб белгилансин.

Бунда, харидлар натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари Марказ учун сарфлов материаллари ҳамда реактивлар харид қилишга йўналтирилади.

Хоразм вилояти ҳокимлиги харидларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилишини таъминласин.

#### 10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари хисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқласин;

2021 йил 1 декабрдан бошлаб Марказни Давлат бюджети маблағлари хисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали хисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига уланишини таъминласин.

11. Хоразм вилояти ҳокимлиги вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари хисобидан:

Марказ очилиши ва ишга туширилиши билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал этишга қўмаклашсин;

Марказга етакчи хорижий ҳамда маҳаллий, шу жумладан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази малакали мутахассисларини тизимли равишда жалб қилиш чораларини қўрсин;

жалб этилган малакали мутахассисларнинг яшаш, овқатланиш ва бошқа зарур харажатларини қоплаш чораларини қўрсин.

12. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Урганч филиалига тегишли Хоразм вилояти, Урганч тумани, Юқорибоғ қишлоғи Боғдорчи маҳалласи Шифонур кўчаси 1-ўй манзилида

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жойлашган бино ва иншоотлар Марказга оператив бошқарув хукуки асосида берилсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари ва соғлиқни сақлаш вазири Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 12 ноябрь,  
677-сон

## БЕШИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**685** «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 1 июлдаги 411-сон «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишининг техник воситалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги қарор қиласди:

1. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 17 майдаги 53, 36-сон «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2801, 2016 йил 14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 298-модда);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 7 марта 12, 56-сон «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2801-1, 2018 йил 3 апрель) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2018 й., 10/18/2801-1/0991-сон).

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 ноябрь,  
38-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 ноябрь,  
71-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**686** *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2597-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги 331-сон «Мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги 40, 9-сон қарори (рўйхат рақами 2597, 2014 йил 24 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 26-сон, 320-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

### **Халқ таълими вазири**

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 октябрь,  
30-мін-сон

### **Соғлиқни сақлаш вазири**

Тошкент ш.,  
2021 йил 20 октябрь,  
32-сон

### **Ш. ШЕРМАТОВ**

### **А. ХАДЖИБАЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил  
26 октябрдаги 30-мін-сон, Соғлиқни сақлаш  
вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги  
32-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Марказга ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган ўқувчилар қўйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

фан олимпиадалари Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларининг 1 — 5-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларида чет тили, информатика ва бошқа фанларни «аъло» баҳоларга ўзлаштираётган ўқувчилар;

«Умид ниҳоллари», «Қувноқ стартлар», «Алномиш» ва «Барчиной» спорт мусобақаларининг умумтаълим мактаблари, туман (шаҳар) босқичлари 1 — 3-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларининг «Энг фаол ўқувчи» номинацияси ғолиблари;

«Конституция — эркинлигимиз кафолати» республика танловининг туман (шаҳар) босқичи 1 — 3-ўрин совриндорлари;

«Фаол китобхон ўқувчи» танловининг республика босқичи 1, 2, 3-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларининг иқтидорли ва ижодкор (шеър ёзадиган, расм чизадиган ва х.к.) ўқувчилари;

халқ таълими органлари ва «Баркамол авлод» болалар мактаблари томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлар ғолиблари ва фаол иштирокчилари;

мусиқа ва санъат соҳаси бўйича халқаро ва республика танловлари ғолиблари;

умумтаълим мактаблари «Ёшлар иттифоқи» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаол аъзолари.».

2. 10-банддаги «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шахар) бўлимлари» деган сўзлар «туман (шахар) халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Камолот» ЁИҲнинг» деган сўзлар «Ёшлар иттифоқининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш бўйича туман (шахар) комиссияси (бундан буён матнда туман (шахар) комиссияси деб юритилади) туман (шахар) халқ таълими бўлими мудиригининг буйруғи билан қўйидаги таркибда тузилади:

мудир;

мудир ўринбосари;

таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси раҳбари;

маънавий-ахлоқий тарбия ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш шўъбаси раҳбари;

ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш шўъбаси раҳбари;

таълим сифати мониторинги бўлими раҳбари.».

5. 13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари (бундан буён матнда худудий комиссия деб юритилади) қўйидаги таркибда тузилади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вазир ўринбосари, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими бошлиғи ва 1 нафар тажрибали ходим;

Вилоятларда — вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, бошилик ўринбосари, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими бошлиғи ва 1 нафар тажрибали ходим;

Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқнинг ўринбосари, умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими бошлиғи ва 1 нафар тажрибали ходим.».

6. 29-банднинг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**687 Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2872-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон «Давлат хизматлари кўрсатиши инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 24 февралдаги 2-мх, 80-сон қарори (рўйхат рақами 2872, 2017 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 212-модда) билан тасдиқланган Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**Ш. ШЕРМАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2021 йил 21 октябрь,  
 29-мх-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ХАДЖИБАЕВ**

Тошкент ш.,  
 2021 йил 11 октябрь,  
 28-сон

---

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 29-мөн-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 октябрдаги 28-сон қарорига ИЛОВА

**Болалар согломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги «Касаба уюшмалари, уларнинг хуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» деган сўзлар «Касаба уюшмалари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 7-банднинг учинчи хатбошисидаги «касб-хунар коллажлари» деган сўзлар «профессионал таълим муассасалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
3. 17-бандда:  
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан.
4. 27-бандда:  
учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансан;  
бешинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансан.
5. 53-банддаги «касб-хунар коллажларининг» деган сўзлар «профессионал таълим муассасаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**688 «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғри-  
сидағи низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгар-  
тиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 4 июлдаги З-мҳ-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2921, 2017 йил 28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 935-модда) иловага мувофиқ ўзgartиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 октябрь,  
145-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
туризм ва спорт вазирининг 2021 йил  
25 октябрдаги 145-мҳ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 июлдаги 477-сон «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 14, 20 ва 28-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 15-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 21-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 26-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидағи «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 30-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи «Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар туризм ва спорт бош бошқармалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**689 «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2021 йил 6 апрелдаги ПҚ-5054-сон «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 23 ноябрдаги 24-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3108, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2018 й., 10/18/3108/2394-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. АБДУХАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 25 октябрь,  
149-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
туризм ва спорт вазирининг 2021 йил  
25 октябрдаги 149-мҳ-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт  
вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича  
мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш  
ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари  
профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари  
ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Номи ва 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмида:

а) номидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 15 ва 24-позицияларнинг «Иш турларининг бажарилганлигини аниқлаш» устунидаги «Марказ» деган сўзлар «Институт» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) изоҳ қисмида:

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази (бундан бўён матнда Марказ деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (бундан бўён матнда Институт деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Марказ» деган сўз «Институт» деган сўз билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 ноябрдаги 38-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 4 ноябрдаги 71-сон «Мухтоҷ шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2801-2.**

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 26 октябрдаги 30-мҳ-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 октябрдаги 32-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2597-1.**

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 21 октябрдаги 29-мҳ-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 октябрдаги 28-сон «Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2021 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2872-1.**

4. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил 25 октябрдаги 145-мҳ-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги бўйруғи.

**2021 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-4.**

5. Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирининг 2021 йил

25 октябрдаги 149-МХ-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчиларининг педагогик юкламалари ҳажмини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқка ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2021 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3108-1.***

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2016 йил 17 майдаги 53, 36-сон «Мухтоҷ шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2801, 2016 йил 14 июнь), шунингдек унга ўзгаришиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2801-1, 2018 йил 3 апрель).

***2021 йил 9 ноябрда давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилиниши мусобабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

